

Чекишни қачон ташлайсиз?

Image not found or type unknown



11:00 / 05.01.2021 3852

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

أَوْسُحْ أَوْ كُتِّبَتْ لَكَ الْوَعْدُ لِيَبَسَّ يَفْ أَوْ قَفْنَا
نِيَسْخُ مَلَا بَحِيَّ لَلْنَا

«Ва Аллоҳнинг йўлида нафақа қилинг. Ўзингизни ҳалокатга ташламанг. Яхшилик қилинг, албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севадир». (Бақара сураси, 195-оят).

Тамаки, нос ва ҳоказоларни чекиш ўзини ҳалокатга ташлашнинг бир кўринишидир.

Баъзилар «Чекмайдиганлар нимадан ўлади?» дейди.

- Ҳамма ўз ажали билан ўлади.

- Аммо чекадиган одам ўз жонига зулм қилган, ўз умрини чекиш орқали қисқартирган, ўзини ҳалокатга ташлаган бўлади.

- Чекувчилар ўртасида ўлим кўрсаткичи, чекмайдиганларга қараганда 70% кўп экан.

- Кунига 20 дона сигарета чекувчиларда эса ўлим кўрсаткичи 2 баробар ортиқ экан.

- Чекувчилар чекмайдиганларга нисбатан 6-10 йил кам яшаши ҳисоблаб чиқилган.

Эй сигарет чекувчи! Агар сигаретларинг фойдали бўлганда эди, уни фарзандларингга ҳам ўргатган бўлардинг.

Кунига бир дона сигарет чекадиган одамнинг захарланиши бир йил давомида ярим коса смола (нефть) ичган билан тенг.

Агар чекаётганга, «Сигаретингни кийимингга босиб ўчир!» десангиз, шундай қиладими? Ундай қилмаса керак. Ҳар ҳолда чўғ бўлиб турган сигаретини кийимига босмаса керак.

«Кейин кўйлагим ёниб кетсинми?» деса керак.

У ҳолда, кийиминг юрагингдан, ўпкангдан, тишларингдан, жигарингдан қимматми?!

Ахир никотин ва бошқа захарлар милкинг, тишларинг, томоғинг, ўпканг, юрагинг, жигарингга зарар-ку!

Сигаретга пул сарфлаш аёл ва болалар нафақасини қийиш, исрофга қўл уриш-ку!

- Чекувчи ҳар битта чеккан сигаретаси билан ўз умрини 6 минутга қисқартиради.

- Чекмайдиган одам билан чекадиган одам ҳисоб-китоб қилинаётган пайтда, чекмайдиган одам чекиш, чекиб ўз жонини ҳалокатга дучор қилиш билан боғлиқ сўроқдан озод бўлади. Валлоҳу аълам.

Келинг, ўзингизга, оилангизга раҳмингиз келсин. Чунки, уйда чекаётганингизда, болаларингиз ҳам тутун ютгани учун улар пассив кашанда саналар экан.

Аллоҳ таолога тавба қилинг, хумори тутса, оғзингизга қанд солинг.
Асабийлашсангиз, истиғфор айтинг, Аъзу биллаҳи минаш шайтонир
рожийм деб кўп айтинг.

Аллоҳ таоло ҳаммамизнинг ҳолимизни ислоҳ қилсин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади